Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 22 декабрь, пайшанба №185 (21.760) Сотувда эркин нархда.

БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ





Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко 21 декабрь куни расмий ташриф билан Тошкентга келди. Ўзбекистон ва Беларусь Республикаси давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Беларусь раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кутиб олди.

Миллий либосдаги қизлар олий мартабали меҳмонга анвойи гуллар тақдим этди. Аэропортда Беларусь Президенти шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Беларусь Республикаси Давлат мадҳиялари янгради.

Сўнгра автомобиллар карвони Беларусь давлат раҳбари учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Беларусь Президентини кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлди. (ЎзА)

СУРАТЛАРДА: Тошкент аэропортида кутиб олиш пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ ва Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Буюк Британиянинг "Бат Индастриз" компанияси бошқаруви раиси Патрик Шихи бошчилигидаги шу компания делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонларга Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун қулай ва кенг имкониятлар мавжудлиги ҳақида гапирар экан, жаҳонга машҳур "Бат Индастриз" компанияси билан ҳамкорлик ҳар икки томонга ҳам фойда келтиришини айтди.

— Биз қисқа муддат мобайнида орттирган тажрибамиздан келиб чиқиб, юксак технология ва катта тажрибага эга бўлган йирик компаниялар билан узоқ муддатли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш йўлидан бормоқдамиз, — деди Ўзбекистон раҳбари. — Шу маънода, "Бат Индастриз" компанияси билан нафақат тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича, балки суғурта ва молиявий соҳаларда ҳам ҳамкорлик қилиш ниятидамиз.

Патрик Шихи самимий қабул учун миннатдорлик изҳор килиб,Тошкентда "Ўзбат" қўшма корхонасининг очилиши ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлида муҳим қадам бўлганини таъкидлади. Шунингдек, 1995 йили Самарқандда ҳам янги қўшма корхона қурилиши бошланажагини, бу эса ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришга ҳизмат қилишини айтди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосарлари Ў. Султонов, В. Чжен иштирок этди.

***

Самимий суҳбатдан сўнг Патрик Шихи Ислом Каримовга аллома Мирзо Улуғбек қаламига мансуб "Аз-зиж Ал-Жадид Ас-Султоний" китобининг Буюк Британия музейида сақланаётган нусхасини топширди. Дунёнинг энг машҳур илмий асарларидан бири бўлмиш ушбу китоб асл нусхадан 1745 йили кўчирилган ва ҳанузгача жаҳондаги кўплаб тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келади.

Маълумки, 1994 йил Ўзбекистонда Улуғбек йили деб эълон қилинган эди. Аллома таваллудининг 600 йиллиги халқаро жамоатчилик томонидан ҳам кенг нишонланди. Буюк британиялик тадбиркорларнинг мазкур туҳфаси хорижий ҳамкорларимизнинг улуг аждодларимиз мероси ва халқимиз маънавиятига бўлган эҳтироми рамзидир.

(ЎзА).

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС

Мамлакатимиз аҳли муҳим сиесий воқеа — 25 декабрь куни республикамиз Олий Мажлиси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига бўлажак сайловлар арафасида турибди.Шу муносабат билан хориждан ташриф буюрган кузатувчилар жойларда бўлиб, сайловларга қандай тайёргарлик кўрилаётгани билан танишмоқдалар. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик раҳбарлигидаги бир гуруҳ чет эллик кузатувчилар Бухоро вилоятига ташриф буюрди. Меҳмонлар вилоятдаги бир неча сайлов округлари ва участкаларида бўлиб, сайловолди тайёргарлиги билан яқиндан танишдилар, депутатлиққа номзодлар билан, сайловчилар билан суҳбатлашдилар.

— Бухорога сафаримиздан мамнунмиз,„ — дейди учрашувлар сўнгтида Холид Малик, — бўлажак сайловлар мазкур вилоятда жаҳон андозалари асосида ўтишига шубҳа йўқ. Барча номзодларга тенг имтиёзлар яратилгани, сайлов округ ва участкаларида эса холисона иш олиб борилаётганининг гувоҳи бўлдик.

Хорижлик меҳмонлар вилоят ҳокими М.Раҳмонов билан ҳам учрашдилар.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Республика Президенти "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга доир тадбирлар тўғрисида"ги Фармонини амалга ошираётган темирйўл станциясидаги "Юлдуз" маҳалла қўмитасининг ишлари диққатга сазовордир. Бу маҳаллада кам таъминланган оилалардан 15 кишига нафақа тайинланган. Аввалига тушган аризалар синчиклаб ўрганилди. Оилаларнинг даромад манбалари аниқланди. Уларнинг шароити, мол-мулки кўздан кечирилди. Шундан сўнг маҳалла қўмитасининг кимни ижтимоий ҳимоялаш лозимлиги тўғрисидаги таклифи шаҳар ҳокимлигига юборилди.

Маълумки, ижтимоий ҳимоя тадбири ҳар уч ойда қайта кўриб чиқилиши лозим. Шунинг учун маҳалладан яна ўн оила ариза билан мурожаат қилди. Бу аризалар ҳам, албатта одилона ҳал қилинади.

Чори ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбири.

Диққат, танлов!

"ТАШАББУС-94"

Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарма ("Бизнес-фонд"), "Ипак йўли" банки, "Ўзтадбиркорбанк", Ўзтелерадиокомпания, Ноосфера (Янги муҳит) "Ташаббус-94" танловини ўтказмоқда. Танловдан мақсад, ишбилармонлик,фермерлик ва ижарадорликни рағбатлантириш ва ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган давлат сиесатига мувофиқ, республикада кичик ва ўрта тадбиркорлик жонкуярларини аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг рақобатбардош халқ истеъмоли молларини энг янги технологияларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқариш ташаббусини кенг ейишдан иборатдир.

— Бундай танлов иккинчи марта ўтказилмоқда ва у анъанага айланмоқда, — деди "Ташаббус-94" республика танлови йиғилишига бағишланган матбуот конференциясида "Бизнес-фонд" бош директори, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгаш аъзоси Дилшод Камолов. — 1994 йил бошида биринчи марта ўтказилган танлов кенг жамоатчилик ўртасида ижобий баҳоланган, республикамизда энг фаол ва истиқболли ишбилармонларни аниқлашга имкон берган эди.

"Ташаббус-94" танлови 1995 йилнинг март ойигача ўтказилади. Унда қатнашиш учун аризалар декабрь-январь ойларида қабул қилинади. Танлов икки босқичда ўтади: 1995 йилнинг 1 февраль — 20 февраль кунларида танловнинг вилоятлардаги якунлари, 21 февралдан 5 мартгача эса танловнинг республика миқёсидаги натижалари чиқарилади.

Ғолибларни аниқлашда аввало иқтисодий кўрсаткичлар, ишбилармонлик фаолиятининг ижтимоий аҳамияти, мамлакатимизда ишлаб-чиқаришни ривожлантиришнинг асосий йўналишларига мослигига аҳамият берилади. Шунингдек, маҳсулотлар сифати, кредитлардан самарали фойдаланиш, илғор технологияларни жорий этиш, товарлар ва хизмат кўрсатишни экспорт қилиш ёки хизмат кўрсатишда яхши кўрсаткичларга эришиш кабилар ҳам ҳисобга олинади.Танлов ғолибларига 70 минг, 50 минг ва 30 минг сўм пул мукофотлари, йилнинг энг яхши лойиҳаси танлов ғолибларига эса, танлов ташкилотчиларидан бирининг кафолати билан бир йил муддатга 5,3 ва 1 миллион сўм имтиёзли кредит берилади.

Алишер РЎЗИЕВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТЕРИ ХОМ АШЁСИНИ РЕСПУБЛИКАДАН ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШНИ ТАҚИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика корхоналарини тери хом ашёси билан таъминлаш мақсадида:

1. Экспорт қилиш (жумладан МДҲ мамлакатларига олиб чиқиб кетиш) тақиқланган, 1994 йил 21 январдаги 745-сон Фармон билан тасдиқланган (6-илова) буюмлар ва маҳсулотлар рўйхатига "тери хом ашёси (ностандартидан ташқари)" маҳсулот тури киритилсин.

2. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ўзистиқболстат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акционерлик компанияси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар мазкур тартибга сўзсиз риоя этилишини таъминласинлар.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 17 ноябрдаги 558-сон қарорининг 1-иловасидаги 10-банд иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

4. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 20 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 20 декабрдаги 1023-сон Фармонига ИЛОВА

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан бериладиган лицензиялар бўйича белгиланган квоталар ҳажмида экспорт қилинадиган моллар рўйхати

Г:	маҳсулот номи	тнф	тн	коди
"10.	Тери (ностандартидан ташқари)	410420000, 410800000,	410620000, 410900000"	

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКАДА ТЕРИ ХОМ АШЁСИНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика тери хом ашесидан самарали фойдаланиш, тери-пойафзал саноати корхоналарини халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришини кўпайтириш, шунингдек, бу хом ашёнинг Ўзбекистондан ташқарига назоратсиз ташиб кетилишининг олдини олиш мақсадида:

1. Республикада "Ўзбекенгилсаноат" Давлат уюшмаси тери хом ашесининг бош тайёрловчиси этиб белгилансин ва "Ўзтайёрловсавдо" уюшмаси бу вазифани амалга оширишдан озод қилинсин.

"Ўзбекенгилсаноат" Давлат уюшмаси ва "Ўзтайёрловсавдо" уюшмаси бир ой муддат ичида корхоналар ва ташкилотлар, жамоа хўжаликлари, ижарачилар, деҳқон хўжаликлари ва якка тартибда тайёрловчилар билан тери хом ашесини харид қилиш, шунингдек, унга бирламчи ишлов бериш ҳамда сақлаш учун омборхоналар ва бошқа биноларидан фойдаланиш тўғрисидаги шартномаларни белгиланган тартибда қайтадан тузишни ташкил қилсинлар.

2. "Ўзбекенгилсаноат" давлат уюшмаси Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлари ва идоралари билан биргаликда тайёрланган тери хом ашеси учун ҳисоб-китоб қилиш таркибини 10 кун муддат ичида ишлаб чиқсин, бунда моддий жиҳатдан рағбатлантириш чора-тадбирлари, шу жумладан, аҳолига халқ истеъмол молларини топширилган хом аше ҳажмига қараб сотиш кўзда тутилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиришларни киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласин.

4. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 21 декабрь

ЯХШИНИ... ЭЛИ БИЛАДИ

Ўзбекнинг ажойиб фарзанди, таниқли шоир ва драматург, адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Турсун Собиров ҳаёт бўлганида бугун 70 ёшга тўларди.

Афсус... ҳаётнинг, тақдирул қисматнинг изимдан чиқмоқ мумкин эмас. Ҳар бир одамга берилган шу беш кунликгина фурсат эса бир синов, имтиҳон мисол гап. Ҳамма гап ундан қандай ўта олишда. Бу инсоннинг ҳақиқий умрини белгилайди. Балки у ҳали ҳаётлигида йўқ мисоли, балки уни ўлим ўлдиролмас.Турсун Собировни ўлим орамиздан олиб кетган. Аммо у ҳамиша биз билан. Айтадилар-ку, яшашнинг қадрига етган кишининг ҳар бир иши бир олам. Демак, у бизга олам-олам яхши ишлар қолдирди. Фанимиз, адабиётимиз, театримиз унинг меҳнатларидан баҳра топди, улгайди.

Турсун Собиров таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрида ўтказилган хотира кечасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, республика халқ шоири Жамол Камол, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом, таниқли журналист Зиёд Есенбоев, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Иззат Султон, филология фанлари докторлари Наим Каримов, Ҳафиз Абдусаматов ва бошқалар Т. Собиров ҳаёти ва фаолияти ҳақида тўлқинланиб сўзладилар. Кечада таниқли санъаткорлар чиқиши маҳзунлик ҳароратига ҳарорат қўшди.

Ҳусан ЭРМАТОВ.

Даниэл БЛЕССИНГТОН:

САЙЛОВЛАРГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ ГУВОҲИ БЎЛДИМ

Республикамизда 25 декабрь куни Олий Мажлис ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. Ушбу муҳим сиесий воқеа муносабати билан мамлакатимизга хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлардан кузатувчилар ташриф буюриб, жойларда сайловга тайёргарликнинг бориши билан танишмоқдалар. ЎзА мухбири шундай халқаро кузатувчилардан бири — сайлов тизимларини қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро жамғарма вакили Даниэл Б ессингтон билан суҳбатлашди.

— Жаноб Блессингтон, мумкин бўлса, Ўзбекистондаги фаолиятингиз қандай бошланганн ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Бажонидил. Юртингизга келганимга бир неча кун бўлди. Айтишим керакки, бу — менинг Марказий Осиёга илк сафарим. Мени жуда яхши кутиб олишди. Ўзбекистон қизғин сайловолди ҳаёти билан яшаётганининг гувоҳи бўлдим. Республикангизда илк дафъа кўппартиявийлик асосида сайловлар ўтаётган бўлса-да, унга пухта ва чуқур тайёргарлик кўрилгани ҳар қадамда сезилади. Энг муҳими, янгича сайловларга кишиларнинг қизиқиши катта экани қувонарлидир. Бу ерга келгунимга қадар Ўзбекистондаги сайловолди ишларининг бунчалик кенг қамровли бўлишини кутмаган эдим. Яқиндан таниша бошлагач, республикангизда бу йўналишда жуда катта ишлар қилинаётганининг гувоҳи бўлдим.

— Ўзбекистонда сайлов кампаниясининг борши тўғрисида қандай фикрдасиз?

— Ҳозирча фақат Тошкент ва Самарқандда бўлдим. Мамлакатингиз Марказий сайлов комиссияси раиси Қудратилла Аҳмедов жаноблари билан учрашдим. У киши менга Марказий сайлов комиссияси фаолияти ҳақида қизиқарли маълумот берди. Сайлов билан боғлиқ қонунлар ва уларнинг амалдаги татбиқи, депутатликка номзодлар хусусида гаплашдик. Шуни таъкидлашни истардимки, мамлакатингизга келишимдан асосий мақсад — сайловчиларга ҳар томонлама кўмаклашиш. Улар ўртасида сайлов билан боғлиқ маърифий ишларни олиб боришга ёрдам бериш. Бу борада қандай ишлар амалга оширилаётгани билан яқиндан қизиқдим. Мамлакатингиз оммавий ахборот воситаларида сайловолди кампаниясининг кенг ёритилаётганидан жуда хурсандман. Бунда, албатта, Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг, қоларерса, радио ва телевидениенинг, газеталарнинг хизмати катта эканини биламан.

— Ўзбекистонга илк сафарингиз қандай ўтяпти? Юртимиз, халқимиз сизда қандай таассурот уйғотди? Сайловчи ва депутатликка номзодларга тилакларингиз?

— Сафарим жуда кўнгилли ўтяпти. Юртингиз гўзал экан. Сизларнинг "Юз марта эшитгандан кўра бир марта кўрган афзал" деган мақолингизнинг маъноси ғоят теран эканига ишондим. Одамларингиз беҳад самимий, меҳрибон ва бағри кенг. Ўйлайманки, бу менинг Ўзбекистонга сўнгги сафарим эмас. Тилак билдиришга келсак, холис кузатувчи сифатида у ёки бу томонга маслаҳат ёхуд тилак билдиришдан ўзимни тияман. Аммо, илк дафъа кўппартиявийлик ва демократия асосидаги сайловга қадам қўйган Ўзбекистон учун мен вакилн бўлган халқаро ташкилотнинг кўпйиллик тажрибалари фойдадан ҳоли бўлмайди, деган умиддаман.

Ҳозирча эса мен, албатта, сайлов натижаларини интиқлик билан кутяпман. Чунки, бу — ҳаммамиз учун бирдек қизиқарли.

Гулом МИРЗО
(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ЎЗ ХАЛҚИНИ ЎЙЛАЙДИ, ЮРТ РАВНАҚИН МАҚСАД ЭТИБ, АДОЛАТДАН СЎЙЛАЙДИ.

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР! САЙЛОВЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ–ҚУВВАТЛАНГ!

УЛАР СИЗНИНГ ИШОНЧИНГИЗНИ, АЛБАТТА, ОҚЛАЙДИ!

25 ДЕКАБРЬ – САЙЛОВЛАР КУНИ!

ОҚ ФОТИҲА

Қўқонлик тадбиркор Нуруллахон ҳожи сувратига чизгилар

Давра суҳбатларидан бирида тадбиркорлик хусусида баҳслашиб қолдик. Нима у, касбми ё истеъдодми? Ҳаммада ҳам учрайвермайдиган ноёб фазилатми? Балки отадан болага, авлоддан авлодга ўтувчи тақдир иноъомидир? Нега деганингизда тадбиркор бўламан деб енг шимариб ёғли режалар тузаётганларнинг ҳаммаси ҳам ишни қойиллатаётгани, ўзи учун, ўзгалар учун бир нима орттираётгани йўқ. Пўрим кийиниб, бўйинга тилло занжир осиб, "иномарка"нинг калитини кўрсаткич бармоққа илиб юрганларнинг қанчаси аслида тадбиркорлик кўчасига тасодифан кириб қолиб, пул кетидан қувиб юрган хаёлпарастлардир. Ахир, ҳар соҳада бўлганидек, тадбиркорликнинг ҳам ўзига яраша об-ҳавоси, тошу тарозиси бор. "Бугундан бошлаб бизнесменман, деҳқончиликни ташладим, ўқитувчиликни йиғиштирдим", дейишингиз биланоқ аллақандай сирли тарновдан даромад оқиб келавермайди. Ўриш учун аввал сепиш керак. Йиғиштириб олиш учун сочиш зарур. Роҳатланиш учун аввало ҳаловатдан воз кечмоқ лозим. Энг муҳими, қачон сепишни, қанча сепишни ва қаерга сепишни аниқ билмоқ даркор. Уруғ ўрнига тушсагина униб чиқади. Парвариш қанча кўп бўлмасин, манзарали дарахт ҳосил тугмайди. Ортиқча чираниш — беҳуда уринишдир.

Баҳсимиз шу ерга келганида мунозарани асосан тинглаб ўтирган бир биродаримиз "демак, тадбиркор деганимиз касб ҳам, ҳунар ҳам эмас, идрок экан-да", деб қолди ва фикрини аста исботлашга тушди.

— Тадбиркорнинг қулоғи динг, кўзи равшан бўлади. У сизу бизга қараганда олисроқни кўради, аввалроқ сезади, қиш бошида туриб ёз адоғини фаҳмлай олади. Айни мана шунақа одамларни тадбиркор, уддабурон дейишади. Мана, масалан, шу кичик қишлоқни олайлик. Кўпчилигимиз сувнинг жилдираб оқишига маҳлиё бўлиб ўтирибмиз. Тадбиркор одам бу сув қаеққа оқаётгани, қаергача етиб бораётгани билан қизиқади. Ариқ ичи тозаланса, шох-шаббалар олиб ташланса нима ўзгариш бўлишини хаёл қилади. Оддий одам бозордан талашиб-тортишиб қовун сотиб олар экан "фалон пулга олдим, ишқилиб ширин чиқсин-да", дейди кўяди. Тадбиркор "полиз майдонлари ҳали ҳам кам, қовун қоқи тайёрлашни йўлга қўйиш керак, селитра солинмаса четга сотиш ҳам мумкин", деган хаёлга боради. Хуллас у — фикр одами.

Суҳбат шу ерга келганида кимдир луқма ташлади:

— Ҳўп, шунақа дейлик. Аммо сиз айтган ўша қулоғи динг, кўзи равшанлар шу чоққача қаерда юришувди, нега энди бирдан ғимирлаб қолишди. Сабабини айтиб бера олмайсизми?

— Жуда айтиб бераман-да...

Суҳбатдошимиз айни шу саволни кутиб тургандай жўшиб кетди:

— Собиқ мустабид тузум исканжаси энг аввало инсон тафаккурига чанг солган эди. Мустақил фикр, тадбиркорлик, ишбилармонлик йўллари ёпиқ эди. Қулфлаб, занжирлаб ташланганди. Нақд пул ўрнига зарур товарларни ўзаро айрибошлаш бугун урф бўлиб турибди. Давлатимиз ишбилармонликнинг айни шу усулига кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Аммо, олтмишинчи, етмишинчи йиллари бўлган воқеаларни бир эслайликчи. Не-не тадбиркорлар товар айирбошлагани учун айбланиб жувонмарг бўлиб кетишди-ку! Уларнинг ягона айби воқеа-ҳодисалар ривожини олдинроқ сезишгани, эл-юрт манфаатлари йўлида ҳаракат қилишгани, елиб-югуришгани ва... ўзгалардан кўра тўрт сўм ортиқроқ даромад топишгани эди. Аллоҳга минг қатла шукрлар бўлсинким, истиқлол туфайли тадбиркорлик йўлидаги сунъий ғовлар олиб ташланди. Юртбошимизнинг қатор фармонларида, ҳукуматимиз қарорларию мустақил давлатимиз қонунларида бу ишнинг ҳуқуқий асослари, фаолият уфқлари вужудга келди. Тадбиркорлар сиз айтганча "бирдан ғимирлаб" қолишгани йўқ. Улар, албатта, шундай кунлар келишини, ҳаётнинг ўзи йўл очиб беришини яхши билишарди. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик қайтадан оёққа турди.

Ўтган ҳафта Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда сўзга чиққан қўқонлик Нуруллахон ҳожи Абдуллаевнинг фикрларини тинглар эканман, хаёлимга дўстлар даврасидаги шу мунозара келди. Чунки қайтадан оёққа турган тадбиркорлар орасида оддий савдо ходими, Ҳўқанди латифнинг Исфара гузарида истиқомат қилувчи Нуруллахон ака ҳам бор эди. У киши билан танишувимиз қуйидагича бўлган.

1990 йилда Саудия Арабистонидаги муқаддас зиёратгоҳга отланган юртдошларимиз орасида Нурулла ака ҳам бор эди. Сафардан сўнг орадан уч-тўрт ой ўтгач, редакциямизга бир йигит ийманибгина кириб келди:

— Нуруллахон ҳожи акамиз бериб юбордилар, — дея бир папка узатди.

Очиб қарасак, "Макка ҳикоялари" сарлавҳали сафар таассуротлари экан. Қўлёзмани ўша куниёқ қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Очиғини айтсам, Қуръони карим нозил бўлган муборак ерлар, Байтуллоҳ, Арофот тоғи, Ҳажарул-асвад, муқаддас замзам суви тўғрисидаги латофатли лавҳалар, чиройли тасвирлар вужудимизни чулғаб олди. Қисқа вақт ичида сафар ҳикояларидан 7-8 таси газетамиз саҳифаларида босилиб чиқди. Ўша йиллари "Адабиёт ва санъат"нинг адади 800 мингни қоралаб қолган эди. Биз муштарийлардан жуда кўплаб миннатдорчилик мактублари олдик. Уларнинг ҳаммасида "Макка ҳикоялари" муаллифига чексиз миннатдорчилик билдирилган эди.

Нурулла ака билан шахсан таниш бўлмаганимиз учун у кишини исломий илмлари анча етук бир мўйсафид, балким адабиёт ёки тарихдан сабоқ берувчи муаллим бўлсалар керак, деб тахмин қилган эдик. Шоир Абдулла Орипов бошчилигидаги бир гуруҳ ижодкорларнинг водий учрашувлари чоғи янглигинамиз маълум бўлиб қолди: Нуруллахон ака деярли тенгдошимиз, очиқ чеҳра, сермулозамат, суҳбатдоши фикрини тез илғаб оладиган зукко киши экан. Лўнда ва равон фикр, чуқур ва вазмин мушоҳада, бийрон нутқлари билан адибларимиз эътиборини ўзига қаратди. Муаллим ҳам эмас, мударрис ҳам эмас, "Роҳат" деб номланган гастрономнинг мудири, савдо аълочиси эканлар.

У кезлари хусусийлаштириш, хусусий мулк, мулкдорлик ҳуқуқи деган тушунчалар энди-энди онг-шууримизга кириб келаётган эди. Хорижий сармояларнинг жалб этилиши, қўшма корхоналар масаласи қулоққа ҳадик ила чалинадиган пайтлар эди. Нурулла ака биринчилар қатори "Йўқ, қўрқмаслик керак, сармоялар келаверсин, қурилишлар бўлаверсин, ҳеч ким қурган нарсасини орқалаб олиб кетмайди, ўзимизга қолади", деган гапни маъқуллаб чиқди. Аниқроғи, юртбошимиз маърузаларидаги шу муҳим фикрни бошқалардан кўра аввалроқ идрок этди, тушунди.

Бир гал Тошкентда Нурулла ака билан узоқ суҳбатлашиб қолдик. Юртбошимизнинг беш тамойилидан баҳс кетди. Суҳбатдошим, одатига кўра, фикрини равон ва аниқ ифода этишга ҳаракат қиларди:

— Эътибор беринг-а, хориж билан амалий мулоқотларга киришмаган битта ҳам корхона, завод ёки фабрика қолмасин, рақобатларга дош бера оладиган товарлар ишлаб чиқармайдиган ҳар қандай ишхонанинг истиқболи йўқ, дейилмоқда. Бозор пешталар товар билан тўлмас экан, уларнинг хилма-хиллиги, харидор учун танлаш имконияти яратилмас экан, фаровонликка эришиб бўлмайди.

— Фикрингизга қўшиламан. Аммо, бизда ҳозир шундай имкониятлар борми? — сўрайман фикр олиш мақсадида.

— Бор, — деди Нурулла ака ишонч билан. — Бозор масаласида аслида биз — шарқликлар Европага муаллимлик қилганимизни, савдо-сотиқ, тижорат борасидаги ўзига хос "академия"лар асли бизда бўлганлигини унутмайлик. Юртимизга келаётган минг-минглаб меҳмонларнинг бирортаси ҳам бозорларимизни, гузару расталаримизни кўрмай кетмайди. "Кеб қолинг, еб кўринг, еганга пул йўқ", деган илтифотимизнинг ўзи уларни лол қолдиради.

Хорижга бориб келган баъзи юртдошларимиз овруполикларнинг "Супермаркет"ларини кўриб оғзим ланг очилиб қолди, ҳамма нарса муҳайё, биргина фалон нарсадан камида эллик-олтмиш хилини санадим. Муомалаларига қойил, ғирромлик қилишмас экан, бир тийин ортиқча олишмас экан. Бирор нарсангизни унутиб қолдирсангиз йўқолиб кетмас экан, дея мақтаб келишади. Тўғри, айни шундай. Аммо, тарихга бир назар ташлайлик. Буларнинг ҳаммаси ўзимизда бор ва бўлган нарсалар. Узоққа бормай ҳозир қиёфаси бир қадар замонавийлашиб кетган Эски Жўва бозорини ёки Қашқадарё чўлларидаги машҳур Чиял бозорини олиб кўрайлик. Ҳамма нарса муҳайё. Хилма-хил. Танлаб-танлаб олаверасиз. Аввалари (Чиял бозорида ҳозир ҳам) бир тийинингизга хиёнат қилишмасди. Унутган нарсангизни кейинги бозор келиб олиб кетаверардингиз. Бу — шарқликларнинг очиқ майдондаги "супермаркет"лари бўлмай нима бўлсин? Афсуски, собиқ тузум даврида биз савдо маданиятини, тижорат илмини тамомила десам ошиб кетар, ҳар қалай кўпини йўқотдик. Ота-боболаримиздан мерос фазилатларни унутдик. Энди бўлса айни шу нарсаларни ўзга юртларда кўриб, ҳайратланиб ўтирибмиз.

Тўғри, ҳозир замон ўзгариб бормоқда. Ўзбекистон жаҳоннинг етук давлатлари сафидан жой олаётир. Демоқчиманки, бизда ҳам маҳаллий шароитларни, харидор руҳиятини ҳисобга олган ҳолда ўзбекона "супермаркет"лар қуриш керак. Уларни асосан ўзимизнинг миллий, шарқона моллар билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

Мен истиқомат қилаётган "Исфара гузари" тарихини қўқонликлар яхши билишади. У Буюк Ипак йўли сўқмоқларидан бирида жойлашган. Бу йўл қадимги Мидиядан бошланган ва шимолий шарқ томонга йўналиб Қоратегин, Олой, Сўх орқали Ҳўқандгача етиб келган, кейин Кандир довони оша Чин томон давом этган.

Сўҳдан келадиган карвонлар асосан Исфара гузарига келиб тўхтаган. Ҳозирги боғу бўстон, Қувасой кўчалари ва гузар маркази оралигида Ҳўқанд ҳокими Тангриёр Султон қурдирган карвонсарой бўлган... Сўнгги хонлик замонида Исфара гузари ҳудуди боғоят обод бўлган. "Бозори шаб", "Бозори субҳ" гузарнинг кўрки бўлган. Дўконлар, расталар эртаю кеч ишлаб турган. Мол сероб, арзончилик, бунинг устига харидор учун қулай. Хоҳлаган пайтингизда хоҳлаган нарсангизни харид қилишингиз мумкин. Кўпчилик менга ишонч билдириб шу маҳаллага оқсоқол қилиб тайинлашганида ишни гузарнинг асл қиёфасини тиклашдан, харидорларга қулайликлар яратишдан бошладик. Ҳашар йўли билан қадимий ва тарихий "Зинбардор масжиди"ни қайта тикладик. Расталар, дўконлар қурдик, ҳунармандларга шарт-шароит яратиб бердик.

— Нурулла ака, мана сиз қатор хорижий мамлакатларда бўлгансиз, тижорат аҳиллари билан суҳбат қургансиз. Айтингчи, нега бизда савдо соҳаси яхши ривож топмаяпти? Ҳукумат бир талай имтиёзлар, енгилликлар бериб қўйса ҳам ҳамон кўпгина пештахталаримиз ҳувиллаб ётибди?

— Бунинг сабаблари бор, албатта. Мен каби ўзингиз ҳам хорижда бўлгансиз. У ерларда бирон-бир жойда сифатсиз молни учраттанмисиз? Йўқ, албатта. Сифатсиз, нокерак нарсага ҳеч қаерда жой йўқ. Бир вақтлар бизда ҳам шундай бўлган. Қаллоб савдогарлар сазойи қилинган, сифатсиз маҳсулотлари дўконлардан чиқариб ташланган. Четда харидорни ҳурмат қилишади, аммо, гапим эриш туюлмасину, харидор билан бир қаторда пештахтани ҳам беқиёс ҳурмат қилишади. Ўн-ўн беш кун ётиб қолган нарсани олиб ташлашади, нархини туширишади. Дўкон ҳар ҳафтада янгиланиб туради. Харидорни ўзига чорлайди. Бизда-чи? Бир ётган нарса йиллаб ётаверади, қўлдан-қўлга, ҳисобдан-ҳисобга ўтаверади.

Мен эътибор берган яна бир муҳим нарса — бу пулнинг айланиш тезлиги. Бир кунда 50 доллардан 100 та туфли сотгандан кўра, харидорнинг шашти сусайганини сезишса ёки мол туриб қолаётган бўлса, нархни 15-20 долларга арзонлатиб, 100 та эмас 1000 та сотишади ва... фойда кўришади. Чунки сармоя "товар-пул-товар" шаклида тез айланади. Бундан харидор ҳам, сотувчи ҳам, солиқ олувчи ҳам манфаатдор. Кўраяпсизми, жуда пухта ўйланган.

— "Роҳат" дўконини хусусийлаштириб олганингиздан кейин юқорида айтганларингизни ўзингиз ҳам қўлладингизми?

— Албатта. Ишни харидорни ўрганишдан, имкониятларимизни ҳисоб-китоб қилишдан бошладик. Дўконимизга бир кирган одам харидидан кўнгли тўлиши, яна қайтиб келиши, бошқаларни ҳам айни биздан харид қилишга ундашига эришишни ният қилиб қўйдик. Бино унча кенг эмас. Аммо, шунга қарамай ҳар доим сотувда камида 250 хил озиқ-овқат маҳсулотлари бўлишини таъминлашни мақсад қилиб олдик. Асосан шартномалар билан ишлаймиз. Бошқа дўконлардагига нисбатан нархларимиз бир қадар арзон. Бу ҳақда гапириш мен учун бироз ўнғайсиз, яхшиси бориб кўрганингиз маъқул. Аммо бир нарсани айтиб ўтай. Биз харидорлар учун анча-мунча қулайликлар яратдик. Масалан, бирон-бир ташкилот биздан улгуржи савдо қилмоқчи, аммо қўлида нақд пули йўқ. Банкдаги ҳисобида маблағи бўлса бас. Улар керакли маблағни бизнинг ҳисобимизга ўтказишади ва шунга яраша молни олиб кетишаверади...

Яқинда хизмат сафари билан Қўқонда бўлганимда "Роҳат" магазинига кириб бу ерда меҳнат қилаётган сотувчиларнинг иши билан бевосита танишдим. Жами 51 киши. Одатда, бундай мақолаларда 3-4 та илғорларнинг номлари айтиб ўтилади. Аммо мен улардан қай бирларини танлашни билмадим. Ҳаммалари бирбирларидан илғор, хушмуомала.

Суҳбатимиз охирида Нуруллахон ака менга бир дафтар кўрсатдилар. Очиб ўқисам, "Роҳат"чиларнинг хайриялари экан. Жуда кўп ташкилотларга, болалар уйлари, мактабларга беғараз ёрдам беришибди. Шаҳарда ўтаётган кўпгина маърифий тадбирларга ҳомийлик қилишибди. Беихтиёр ёдимга бундан икки йил аввал ёзган "Бойлардан қўрқмайлик, жаноблар", деган мақолам келди. Мақола "Яшасин ўзбекнинг нимжон бойлари", деган умидбахш хитоб билан якунланган эди. Бугун энди ўша "нимжон"лар ўзларини анча ўнглаб олишди. Ўтган ҳафта республика Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идораларо кенгашнинг навбатдаги мажлисида юртбошимиз у кишига ўхшаш тадбиркорларга яна бир бор эзгу ният билдирдилар.

Йўлингиз ойдин бўлсин, тадбиркорлар!

Ахмаджон МЕЛИБОЕВ.

Ислоҳот чорраҳаларида

ИТАЛЬЯНЛАР ИШҚИБОЗ БЎЛГАН...



Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ деганларидек, бир қарашда кўзга ташланмайдиган нарсаларимизни чет элликлар эъзозлашмоқда. Хўш, у нима экан дейсизми? Бўлмаса эшитинг!..

Қўшма корхона очиш учун Сирдарё вилоятига келган италиялик ишбилармонлар баъзан ўзимиз хушламайдиган виноларимизни мақтаб-мақтаб истеъмол қилишди. Ҳатто юртларига қайтаётганларида харид қилиб олиб кетишди. Кейинчалик бунинг боисини билсак, виноларимиз таркибида инсон саломатлиги учун фойдали дармондори — микроэлементлар мўл экан.

Бу гаплар Сирдарё шароб заводи чиқараётган маҳсулотларга тегишли эканлигини сезгандирсиз. Завод жамоаси бир неча йилдан буён Сирдарё, Жиззах вилоятларига маҳсулот етказиб бериб келади. Италияликларнинг корхона маҳсулотлари сифатига берган баҳоси жамоани янада руҳлантириб юборди.

Вилоятнинг кенжа корхоналаридан бири бўлган заводда йил сайин ишлаб чиқариш қуввати ошиб, донғи эса узоқ-узоқларга таралмоқда. Россияликлар ҳам корхона маҳсулотларига талабгорлик қилиб, Ўзбекистонга қурилиш материаллари, турли ҳажмдаги қувурлар тақдим этишяпти. Корхонада бўлган киши бу қурилиш омборими ё шароб заводими, деб ҳайрон қолиши турган гап. Улар эса ҳазил-мутойибага йўйишиб "Ҳар иккаласи ҳам" дейишади. Шуни таъкидлаш керакки, жамоа аҳли фақат ўз манфаатларини кўзламасдан, меҳнаткашларнинг маданий-маиший ҳаётини яхшилашга интилаётган хўжаликларга, корхоналарга баҳоли қудрат заҳираларидаги ёғоч, тахталардан, қувурлардан улашиб, хайрли ишларга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келишяпти.

Корхонада шу йилнинг ўзида 250 минг декалитр вино қуйиш ва йилига ўн минг декалитр коньяк спирти ишлаб чиқариш қувватига эга цехлар маҳсулот чиқара бошлади. Яқин орада яна янги 2-цех ишга туширилиши керак. Бу эса 500 минг декалитр вино қадоқлаш ишларини йўлга қўяди.

Яқинда бу ерда муҳим воқеа юз берди: корхона ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Буни мутахассис Шокир Ёриевнинг гапларидан ҳам билиб олиш қийин эмас:

— Янгича шароитга ўтганимиздан кейин меҳнатга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Одамларда унумли ишлаш ва шахсий манфаатдорлик уйғунлашди. Иш ҳақи бир минг — бир ярим минг сўмга етди.

— Агар бизни бошдан қувватлашганда "Ўзбекистон портвейни", "Армуғон", "Оқ мусаллас"лар билан чекланиб қолмасдан, аллақачон "Сирдарё" тамғасида вино чиқариш ҳуқуқини қўлга киритардик, — дейди корхона директори Р. Матхолиқов. — Гулистон, Сирдарё, Янгийўл, Жиззах, Тошкент шаҳарларида махсус дўконлар очганмиз. Барчаси харидорларга намунали хизмат кўрсатишяпти. Корхонамиз йилига давлат бюджетига 15 миллион сўм ўтказиб келади. Ҳозир ҳисоб-китобларга қараганда, 400 минг сўм фойда олиниши кутиляпти.

Хуллас, Сирдарё шароб заводи жамоаси она-Ватанимизнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётганининг гувоҳи бўлдик.

Нурмамат АЛМУРОДОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. Корхона раҳбари Рустам Матхолиқов. 2. Лаборант Шохида Отаева иш устида. 3. Вилоятда яккаю ягона мутахассис (ўртада) Шокир Ёриев Юсуп Мирзаев, Шароф Ёриевлар билан. 4. Вино қадоқлаш цехи бошлиғи Баҳром Бегматов, илғор ишчи Муқаддам Поччаевалар иш бошлаш олдидан фикрлашиб олаётган пайт.

Муаллиф олган суратлар.

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Телефонларнинг нормал ишлашини таъминлаш ва электр алоқаси корхоналарининг ишлаб ва хизмат тўловларини вақтида амалга ошириш учун шароит яратиб бериш мақсадида "ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" концерни барча абонентларни абонент тўловлари бўйича мавжуд қарзларни 1994 йил 25 декабргача ҳамда халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув учун счётларни вақтида тўлашни сўрайди.

Эслатиб ўтамиз: шахсий фойдаланишдаги асосий хонадон телефонлари учун ойига 12 сўм, қўш ва параллел телефонлар учун 9,60 сўм.

Абонент тўловларни ёки счётларни вақтида тўламаганлик учун телефонни узиб қўйиш ёки олиб қўйишнинг олдини олиш мақсадида ўз бурчингизни вақтида адо этиб боришингизни сўраймиз.

Телефон счётларини вақтида тўлаб борсангиз ўзингизга фойда!

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" КОНЦЕРНИ

КЎЧМАС МУЛК — ЎЛМАС САРМОЯДИР!

Агар унинг соҳиби бўлай десангиз, шошилинг!

Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг вилоят бўлимлари 26 декабрь куни

СИРДАРЁДА, Телефон: (36722) 21707

27 декабрь куни

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА, Телефон: (3712) 330865

28 декабрь куни

БУХОРОДА, Телефон: (36522) 43771
САМАРҚАНДДА, Телефон: (3662) 310346
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА, Телефон: (3712) 445368

29 декабрь куни

ЖИЗЗАХДА, Телефон: (37222) 33018
НАВОИЙДА, Телефон: (43622) 33791
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА, Телефон: (3712) 330865

30 декабрь куни

НАМАНГАНДА, Телефон: (36922) 62996
СУРХОНДАРЁДА, Телефон: (37622) 30025

КИМ ОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, АҒРАР СЕКТОР РАҲБАРЛАРИ — ТЕЛЕФОН ШОХОБЧАЛАРИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1995 йилнинг 1 январидан бошлаб телефон алоқалар хизматини тақдим этиш тартибини ва ҳисоб-китобнинг самарали бўлишини такомиллаштириш мақсадида шаҳарлараро ва халқаро телефонлардан фойдаланишда ҳар ой учун йиллик ҳаражатларнинг 1/12 қисмидан кам бўлмаган ҳажмда олдиндан тўлаш усули йўлга қўйилмоқда.

Аванс ҳисобларда абонент маблағининг бўлмаслиги абонентни шаҳарлараро ва халқаро алоқадан узиб қўйиш эҳтимолини билдиради ва ҳар бир узиб қўйилиши ва уланиши учун тариф бўйича ҳақ ундирилади.

"Ўзбектелеком" концерни хизмат секторидаги барча абонентлардан ўз вақтида шаҳарлараро телефон станциялари билан шартнома тузишларини, аванс пулларини ўтказишларини сўрайди.

Республика электралоқа корхоналари шаҳарлараро ва халқаро алоқалар хизматини кўрсатиш учун чекланмаган имкониятларга эга.

ЭЛЕКТР АЛОҚАЛАР ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

"Ўзбектелеком" концерни.

Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги М. Дадажонов номли 64-ўрта мактаб соб қ битирувчиларини 1994 йил 26 декабрь куни соат 9.00 да бўладиган мактабнинг 25 йиллик тантаналарига

ТАКЛИФ ЭТАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ 1994- 1995 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН СИРТҚИ БЎЛИМГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, сув хўжалиги ва мелиорация, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш, бухгалтерлик ҳисоби ва аудит (тармоқ бўйича), корхоналарда менежмент, ер тузиш.

Ҳужжатлар 1994 йил 15 декабрдан 1995 йил 16 январгача қабул қилинади. Абитуриентлар учун консультациялар 20 декабрдан 18 январга қадар ўтказилади.

Ректор номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова этилади: ўрта маълумоти ҳақида ҳужжатнинг асл нусхаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, 086—У намунадаги тиббий маълумотнома, 3х4 см. ўлчамли 6 дона фотосурат.

Фуқаролик ҳақида ҳужжат (паспорт) ва харбий мажбуриятга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади. Тест синовлари қуйидаги умумтаълим предметлар блоклари ва ҳар бир тўғри жавоб учун бериладиган баллар миқдорлари мажмуаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан 20 январда ўтказилади:

математика — 3,1;
табиий фанлар — 2,1;
она тили — 1,1.

Танлов ва талабаликка қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқувчилар қабул қилиш бўйича Давлат идораларо комиссияси томонидан абитуриентларнинг тест синовларида тўплаган баллари асосида ўтказилади.

Институтга қабул Давлат идораларо комиссияси томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг биринчи курсларига 1994/1995 ўқув йилига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисида"ги низом асосида амалга оширилади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Маълумот учун телефон: 35-75-21.

"ИККИЛАМЧИ"НИНГ БИРЛАМЧИ ЮМУШЛАРИ

"Ўзиккиламчиранглиметалл" очиқ турдаги акционерлик жамияти ўзининг 50 йиллигини нишонлади

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга японлар харидор бўлибди, деган хабарни эшитгач, ўйланиб қолдик. Боиси, японлар бир вақтлар Россиядан шу қадар кўп болта харид қилишганки... Қолаверса, тўрт томони океану денгиз бўлган Япония ўрис балиқ консервасининг ҳам асосий харидори бўлган. Аммо кейин билсак...

"Ўзиккиламчиранглиметалл" очиқ турдаги акционерлик жамиятида меҳнатни ташкил этиш, иш жараёнидаги тартиб-интизом, ишчиларнинг кайфияти ва бу ерда тайёрланаётган хилма-хил маҳсулотларни кўриб, киши дили яйрайди.

— Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни нафақат МДҲ давлатлари, балки Англия, Япония каби ривожланган мамлакатлар ҳам мамнуният билан харид қилишяпти, — дейди акционерлик жамияти бошқаруви раиси Раҳматулла Муҳаммадхўжаев. — Ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш мақсадида ишончли ҳамкорлар топишга ҳаракат қилдик. Юртбошимиз "Жаҳон бозорига чиқишни ўйламаётган корхонанинг келажаги порлоқ эмас", — деган эди. Шунга асосан биз энг аввало, маҳсулотларимизни хорижга чиқаришга интиляпмиз. Дастлаб Ҳиндистон билан қурилган "Ўзҳиндикрафт" қўшма корхонамиз яхши самаралар беряпти. Шунингдек, голландиялик ва германиялик шериклар билан ҳамкорлигимиз ривожланяпти. Биз — хорижий сармоядорлар ҳамкорлигида рақобатга бардош бера оладиган истеъмол моллари ишлаб чиқариш билан республика иқтисодиётини ривожлантиришга ҳиссамизни қўшаверамиз.

Дарҳақиқат, ушбу акционерлик жамиятига қарашли "Новатор" кичик корхонасида ишлаб чиқарилаётган "Жигули", "Москвич", "Волга" автомобилларининг эҳтиёт қисмларини нафақат ўзимизда, балки Россиянинг Ижевск, Нижний Новгород шаҳарлари заводлари ҳам сотиб олишяпти. Марғилондаги Уста Маҳмуд кичик корхонасида тайёрланаётган пичоқ, қилич, ханжар, офтоба ва заргарлик буюмлари ҳам элга манзур бўлмоқда.

Буюк бобокалонимиз Мирзо Бобур Ҳиндистонда ўзбек миллий заргарлик ҳунарини юқори даражада тарғиб этган экан. Шу боис ҳиндистонлик ишбилармонлар билан биргаликда эски ўзбек ҳунармандчилигини тиклашга катта эътибор бериляпти. Бу ерда и иш-товоқлар, қўзалар, пичоқлар, ёдгорлик ва эсдалик буюмлари ишлаб чиқарилаётир. Тажриба-механика заводида эса гўшт майдалагичлар, қозонлар, шарбат тайёрлагичлар, электр сув қайнатгичлар ва ўнлаб шунга ўхшаш хўжалик учун зарур моллар ишлаб чиқарилмоқда.

Акционерлик жамиятига қарашли алюминий заводида меҳнат қилаётган ишчиларнинг моддий ва молиявий аҳволи хусусида мазкур корхона директори Муҳаммадали Эргашев шундай деди:

— Ишчиларга ойлик маошлар ўз вақтида бериляпти. Уларнинг яхши дам олишлари учун замон талабларига мос келадиган соғломлаштириш марказини қуриб битказиш арафасидамиз. Бўстонлиқ туманида корхонамизнинг ёзги дам олиш оромгоҳи бор. Сиргалида барча қулайликларга эга болалар боғчаси ишлаб турибди. Қувонарлиси, яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига кўра корхона ишчи ходимларидан 2 киши "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими" унвони ҳамда 4 киши "Фахрий ёрлиқ" билан тақдирланди.

Қисқаси, очиқ турдаги акционерлик жамиятининг номи иккиламчи деб юритилса-да, ходимлар бирламчи юмушларни бажаришяпти.

Нарзулла ШОНИЁЗОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси бадиий жамоалар дирекцияси "Дуторчи қизлар" ансамблининг бадиий раҳбари Қаҳрамон Комиловга онаси

Саврнисо КОМИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси уюшма аъзоси, журналист Абдулла Нуримовга волидаи муҳтарамаси

Зулайҳо НУРИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси жамоаси республика радиосининг режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби

Ғойибназар ИСКАНДАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти жамоаси лаборатория бошлиғи, кимё фанлари доктори, профессор Боис Латипович Ғафуровга волидаи муҳтарамаси

Марфуа НАБИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"СОВҒА"

ЛОТЕРЕЯСИ ОРҚАЛИ СИЗ ЎЗИНГИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН НАРСАНГИЗГА ЭРИШИШИНГИЗ МУМКИН

ҲАЛИ БУНАҚАСИ ҲЕЧ БЎЛМАГАН. *"СОВҒА"* ЛОТЕРЕЯСИ БИРОР БИР БУЮМНИ ЮТИБ ОЛИШИНГИЗ УЧУН ЕТАРЛИ ИМКОНИЯТ ЯРАТАДИ. ЛОТЕРЕЯ ЮТУҚЛАРИДА АВТОМОБИЛЛАР, ВИДЕОАППАРАТУРАЛАР, ТЕЛЕВИЗОРЛАР, ТУРЛИ ХИЛ МЕБЕЛЬ ЖАМЛАМАЛАРИ, ГИЛАМЛАР ВА БОШҚА КЎПЛАБ КЕНГ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ БОР.

УНДА ЮТИБ ОЛИШ ИМКОНИЯТИ ҒОЯТ КАТТА. ЎЗИНГИЗ ЧАМАЛАБ КЎРИНГ, ЛОТЕРЕЯ БЎЙИЧА ЮТУҚЛАР СУММАСИ ЧИҚАРИЛГАН СУММАНИНГ 70 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ

БИЛЕТ БАҲОСИ — 10 СЎМ.
***"СОВҒА"* ЛОТЕРЕЯСИНИ ХАРИД ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГ!**
ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ 1994 ЙИЛНИНГ 28-29 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

***"СОВҒА"* лотереяси билетлари "Ўзжамғармабанк"нинг барча муассасаларида, ҳамма алоқа бўлимларида, савдо корхоналарида ва жамоатчи тарқатувчилар орқали сотилади.**

***"СОВҒА"* ЛОТЕРЕЯСИ — ОИЛАНГИЗ УЧУН АЖОЙИБ СОВҒАДИР!**

"СОВҒА" лотереясини сотиб олсангиз қимматбаҳо ютуқ эгаси бўлишингиз мумкин. Сизни автомобиллар, видеоаппаратуралар, телевизорлар, мебель жамламалари ва шунингдек бошқа халқ истеъмоли буюмлари кутмоқда.

ЎЙНАНГ ВА ЮТИБ ОЛИНГ!

ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!

Ўзингизни қизиқтирган батафсил маълумотларни эса Сиз "Ўзжамғармабанк"нинг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан олишингиз, шунингдек 45-35-49, 45-66-43, 33-51-95 телефонлари бўйича ҳам олишингиз мумкин.

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

МАРКАЗИЙ БАНК

ЖАМҒАРМА БАНКИ

"ЎЗБЕКСАВДО" "ЎЗБЕКБИРЛАШУВ"

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 32-53-15.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими — 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Жиззахда — 3-31-86; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 35-22-90;
Бухорода — 3-54-87; Навоийда — 3-74-76; Қаршида — 3-25-79; Урганчда — 6-51-35;
Гулистонда — 2-26-22; Наманганда — 6-43-43; Қумқўрғонда — 52-624; Фарғонада — 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А — 2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 24.00. Г — 1276, 72841 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир С. АШУРОВ, навбатчи У. ФАЙЗИЕВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41 - уй.

123456